# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 16 июнь, № 118 (5538) Шанба


# СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ



**Шу йил 15 июнь куни халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.**

Давлатимиз раҳбари, аввало, мустақиллик йилларида бутун юртимиз қатори Сурхон заминида ҳам улкан тарихий ишлар амалга оширилгани ҳақида тўхталди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда, жумладан, Сурхондарё вилоятида ҳам катта-катта ўзгаришлар юз берди. Тараққиётимизнинг ўсиш суръатлари тобора ошиб боряпти. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда яшаётган ҳар қайси оила ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар барчамизни қувонтириб, олдимизда турган мақсадлар сари янги-янги қадамлар қўймоқдамиз, деди Юртбошимиз.

Бир вақтлар Сурхондарё ҳақида сўз юритганда, ўзимизга олис ва чекка бир ҳудудни тасаввур қилар эдик. Бу воҳа ҳақида гапирганда, аввало унинг мураккаб ва кескин иқлими, афғон шамоли, турли қийинчиликлар ҳақида сўз кетар эди.

Ҳақиқатан ҳам, эски тузум даврида Сурхон заминига бир ёқлама қараш шаклланиб, бу минтақанинг тараққиёти, унинг улкан ер ости ва ер усти бойликларини ўзлаштириш масаласи йиллар давомида ҳал этилмасдан келгани яхши маълум.

Бу ўлканинг бетакрор, дунёда камдан-кам учрайдиган ўсимлик олами ва табиати борлиги, мард ва ориятли, бағрикенг инсонлар юрти экани ҳақида, қадимий маданият ва деҳқончилик ўчоғи, умумбашарий тараққиётга беқиёс ҳисса қўшган макон экани ҳақида жуда оз эшитар эдик.

Ҳозирги кунда вилоят аҳли иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, илму фан, маданият, таълим-тарбия, спорт соҳаларида эришаётган ютуқлар ҳақида ғурурланиб кўп гапириш мумкин. Агарки спорт соҳасини оладиган бўлсак, Сурхон заминида тарбия топган, Алпомишнинг муносиб авлодлари бўлган Тоштемир Муҳаммадиев, Абдулла Тангриев каби кураги ерга тегмаган, дунёга машҳур полвонларни ким тан олмайди?

Собиқ совет даврида Сурхондарёнинг маркази Термиз, асосан, ҳарбийлар ва уларнинг эҳтиёжи учун мослашган шаҳарга айланиб, замон талабидан орқада қолган эди. Ўтган йигирма йил мобайнида амалга оширилган ишлар туфайли нафақат Термиз, балки барча туман марказлари ва қишлоқларнинг қиёфаси ўзгариб, обод бўлиб бораётгани ҳаммамизга, авваламбор, шу заминда униб-ўсиб келаётган ёшларга завқ ва эртанги кунга ишонч бағишлайди.

Мен 30-40 йилдан буён Сурхондарё ҳаёти билан яқиндан танишман ва бугунги ўзгаришларни кўрганда, улар менга худдики қанот бергандек, бир вақтлар орзу қилган ниятларим амалга ошгандек ўзимни ҳис қиламан, деди давлатимиз раҳбари.

Бу ҳақда сўз юритганда, мусулмон оламида юксак ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган Ҳаким Термизий бобомизнинг ёдгорлик мажмуаси ҳар томонлама обод қилингани, ҳеч шубҳасиз, маънавий қадриятларимизни тиклаш ва эъзозлаш йўлида яна бир улкан амалий қадам бўлганини таъкидлаш лозим. Шулар қаторида кейинги йилларда Термиз шаҳрида барпо этилган, 10 минг томошабинга мўлжалланган стадион, замонавий “Бахт уйи” мажмуаси, Меҳрибонлик уйи, “Дельфин” сузиш ҳавзаси, Термиз давлат университетининг муҳташам биноси, янги-янги мактаб, лицей ва коллежлар, тиббиёт ва маданият масканлари вилоят қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Ана шундай кўплаб мисоллар асосида кечаги кунни бугунги кун билан солиштирадиган бўлсак, ким эдигу ким бўлдик, деган саволга холисона жавоб топишимиз қийин эмас, албатта.

Ўтган беш йил давомида Сурхондарё вилоятида иқтисодий ўсиш суръатлари ўртача 8,7 фоизни ташкил этди. Саноат соҳасида эса охирги беш йилда ушбу тармоқда ўсиш кўрсаткичи 124,5 фоиз бўлганини таъкидлаш лозим.

Қишлоқ хўжалигининг айни шу даврдаги ривожланиш суръатларини таҳлил қилганда, бу борадаги ўсиш 123 фоизни ташкил этганини қайд этиш зарур. Қурилиш, транспорт ва алоқа тармоқлари вилоятда кейинги беш йил мобайнида мос равишда 2,9 ва 2 баробар ўсгани алоҳида диққатга моликдир.

Айниқса, иқтисодиётимизнинг муҳим тармоғи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши беш йил давомида 63,9 фоиздан 73,8 фоизга етгани, бу Ўзбекистон бўйича энг юқори кўрсаткич эканига мажлисда Президентимиз томонидан алоҳида урғу берилди.

Кейинги йилларда бунёд этилган йирик саноат корхоналари, ишлаб чиқариш ва коммуникация иншоотлари вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, 525 миллиард сўмлик маблағ сарфланиб, “Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон” темир йўлининг барпо этилгани нафақат Сурхондарё, балки бутун мамлакатимиз, Марказий Осиё миқёсида тарихий аҳамиятга эга бўлган улкан воқеа эканини алоҳида таъкидласак, арзийди, албатта.

Вилоят иқтисодиётига жалб этилаётган инвестициялар ҳақида гапирганда, охирги беш йилда умумий қиймати 70 миллиард 600 миллион сўмлик 18 та йирик лойиҳа амалга оширилгани эътиборга сазовордир. Жумладан, катта истиқболга эга бўлган Хонжиза полиметалл рудалар конининг ишга туширилиши, пахта хом ашёсини қайта ишлашга мўлжалланган, лойиҳа қиймати 12 миллион долларга тенг “Шиндонг Спиннинг” корхонаси, вилоятда тайёрланадиган пилла хом ашёсини тўлиқ қайта ишлаш бўйича қиймати 1 миллион 500 минг доллар бўлган “Сурхон-Термиз-Силк” корхонаси қурилгани ва бошқа кўплаб лойиҳаларнинг амалга оширилгани ҳудуднинг саноат салоҳиятини оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Сессияда вилоятдаги ютуқлар билан бирга, ўз ечимини кутиб турган, ҳанузгача ҳал қилинмасдан келаётган муаммолар ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди.

Ҳаётнинг қайси соҳа ёки тармоғи бўлмасин — бу саноат ёки қишлоқ хўжалиги бўладими, ижтимоий масалалар бўладими, одамларни безовта қилаётган айрим нохуш ҳолатлар бўладими — уларнинг барчасини бартараф этиш — бу ҳам ўзимизга боғлиқ. Шу сабабли бугунги учрашувимизда кўпроқ мавжуд муаммолар ҳақида биргалашиб бош қотиришимиз, уларни ечиш йўлларини излашимиз мақсадга мувофиқдир, деди Ислом Каримов.

Бу ҳақда гапирганда, вилоятда, аввало, енгил саноат тармоғи ривожланиш ўрнига қолоқликка юз тутиб, саноат таркибида 50,7 фоиздан 43,8 фоизга тушиб қолганини афсус билан айтишга тўғри келади. Вилоятда ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг атиги 6,9 фоизи шу ернинг ўзида қайта ишланаётгани, албатта, талабга жавоб бермайди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, вилоятнинг бу борадаги кўрсаткичлари мамлакат миқёсидаги ўртача кўрсаткичлардан паст даражада сақланиб қолаётгани барчамизни, аввало, вилоят раҳбарлари, депутатлар ва фаолларни ўйлантириши керак. Нега деганда, Сурхондарёнинг бошқа ҳудудларимиздан устун жиҳати бўлса борки, асло кам жойи йўқ.

Қишлоқ жойларга саноатни олиб кириш, маҳаллийлаштириш дастури асосида қайта ишлаш корхоналари барпо этиш, ички ва ташқи бозор учун рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасидаги ишлар ҳам қониқарли эмас. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг асосий ҳиссаси Термиз шаҳри, Денов, Шўрчи, Шеробод ва Жарқўрғон туманларига тўғри келмоқда. Ангор, Термиз, Бойсун ва Олтинсой туманларининг умумий саноат ҳажмидаги улуши эса пастлигича қолмоқда.

Вилоятда ҳудудий экспорт таркиби, асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан иборат бўлиб, улар ялпи экспортнинг 92,8 фоизини ташкил этади. Бу, ўз навбатида, саноат корхоналарини ривожлантириш, экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш, таркибий ўзгаришларни янада жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш масалалари бугунги кунда ўткир вазифа бўлиб қолаётганини яна бир бор тасдиқлаб бермоқда.

Жорий йил бошига қадар вилоятда 27 мингтадан ортиқ кичик бизнес субъекти рўйхатга олинган. Лекин уларнинг 90 фоизи амалда фаолият кўрсатмоқда. Қолганлари эса, қоғозда бор-у, амалда йўқ.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам қатор камчиликлар борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Бизни боқадиган ернинг унумдорлигини, самарадорлигини ошириш ҳар доим қишлоқ хўжалигидан оладиган даромаднинг асосий гарови бўлиб келганини ҳаммамиз яхши тушунамиз, чуқур англаймиз. Бу ҳақда ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб қайд этди давлатимиз раҳбари.

Халқимизнинг “Сен ерни боқсанг, ер сени боқади” деган мақолида чуқур маъно борлиги ҳаммамиз учун яхши аён. Юртимизда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 2007 йилда махсус давлат дастури қабул қилинган эди. Таъкидлаш жоизки, ана шу дастур асосида Сурхондарё вилоятида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Буни ўтган беш йил давомида қарийб 60 миллиард сўмлик маблағ ҳисобидан 63 та экскаватор ва бульдозер сотиб олиниб, 430 километрдан ортиқ ирригация тармоқлари қурилгани ва реконструкция қилингани, 4 минг километрдан зиёд сув тармоқлари тозаланганини ҳам тасдиқлаб турибди. Шулар қаторида Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган 73 миллион долларлик кредит ҳисобидан “Аму-Занг” канали ирригация тизимидаги асосий иншоотлар, жумладан, 3 та насос станцияси реконструкция қилинди. Бундай кенг кўламли ишлар натижасида воҳада 80 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва унумдорлиги оширилди.

2011 йил якунларига кўра, вилоят бўйича пахтачиликда ўртача ҳосилдорлик 29,2 центнерни, ғаллачиликда 48,9 центнерни ташкил этди. Кейинги уч йилда вилоятда пахта ҳосилдорлиги 2-3 центнерга, ғалла ҳосилдорлиги эса 4-5 центнерга ошгани, албатта, ижобий натижа, буни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин, бу соҳада ажратилган катта-катта маблағларни ўзлаштириш, замонавий техникаларни самарали ишлатиш, магистраль коллекторлар ва ички зовурларни тозалаш масаласида ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп эканига сессияда алоҳида эътибор қаратилди.

Айниқса, сув ресурсларидан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш масаласи доимо диққат марказида бўлиши даркорлиги таъкидланди. Бугунги кунда бир метр куб сувни фермернинг даласига етказиб бериш мамлакатимиз миқёсида давлатга ўрта ҳисобда 23 сўмга, Сурхондарё вилоятида эса 30 сўмга тушмоқда. Агар вилоятга йилига 3,8 миллиард метр куб ҳажмида сув етказиб берилаётганини ҳисобга олсак, бунинг учун давлат бюджетидан 115 миллиард сўм маблағ сарфланаётгани аён бўлади. Шундай экан, сувни тежайдиган замонавий технологияларни кенг жорий этиш вақти келди, деди Ислом Каримов.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Сурхондарё вилоятида механизациялаштириш масаласи ҳам долзарблигича қолмоқда. Вилоятда кейинги икки йилда жами 60 миллиард сўмлик юқори унум билан ишлайдиган замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олинган. Жорий йилда яна 30 миллиард сўмлик техника воситаларини харид қилиш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, вилоятда 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида ишлатиб келинаётган эскирган техникалар ҳам мавжуд.

Ҳозирги кунда бир ҳайдов тракторига ўртача 260 гектар майдон тўғри келмоқда. Натижада ерни шудгорлаш ишларида техника етишмаслиги сезилмоқда ва бу ўта муҳим агротехник тадбирни амалга ошириш муддати чўзилиб кетмоқда.

Бундай камчиликларга барҳам бериш, мавжуд техника парки таркибини янгилаш мақсадида қабул қилинган ҳукумат қарорига асосан, қишлоқ хўжалигида ресурс тежайдиган техникалар, юқори қувватли тракторлар ишлаб чиқариш ва улар билан фермерларни таъминлаш учун 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Ана шу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда, вилоят ҳокимлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзининг ҳудудий дастурини ишлаб чиқиши ва унда ҳар бир туман, фермер хўжаликлари учун техникалар етказиб бериш йўлларини, молиявий манбаларни аниқ белгилаб олиши зарурлиги сессия мажлисида муҳим вазифа қилиб қўйилди.

Бугунги кунда Сурхондарё вилоятида 43 минг гектардан зиёд шахсий томорқа майдонлари мавжуд бўлиб, ўтган йили уларда 9 минг тоннадан ортиқ картошка, 13 минг тоннадан кўпроқ сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштирилгани, айрим омилкор деҳқонлар ўз томорқаларидан 30-40 миллион сўмга етказиб даромад олаётгани эътиборга сазовордир.

Айни вақтда вилоятдаги баъзи туманларда бу масалага етарлича аҳамият берилмаётгани ҳақида танқидий фикрлар билдирилди.

Мамлакатимиз олдида турган улкан вазифаларни адо этиш, қишлоқ хўжалиги соҳасини замон талаблари асосида ривожлантириш борасидаги энг муҳим масалалардан бири — бу фермер хўжаликларининг самарадорлигини ошириш билан бевосита боғлиқдир. Бу ҳақда гапирганда, шуни айтиш жоизки, бугунги кунда Сурхондарё вилоятида 4 минг 800 тадан зиёд фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, уларнинг 2 минг 490 таси пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Н.О.Чориевни Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Нормўмин Омонович Чориев** Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 15 июнь

## Биз ва жаҳон

*Яқинда Хитойнинг Цзянси провинциясида хорижий мамлакатлар дипломатия ваколатхоналарининг вакиллари учун уюштирилган махсус сафар доирасида Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятига бағишланган тақдимот маросими ўтказилди. Унда Цзянси ҳукумати ва Шанжао шаҳри маъмуриятининг вакиллари иштирок этдилар.*

## Ўзбекистон сармоядорлар учун қулай имкониятларга эга

Тадбир давомида тақдимот иштирокчилари Ўзбекистон ва Хитой ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён ўтган 20 йил мобайнида эришилган ютуқ ва натижалар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдилар. Икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларда ҳали катта салоҳият мавжуд эканлигига урғу берилди.

Шунингдек, тақдимотда Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор йўналишлари ва мамлакатимизда хорижлик сармоядорлар учун яратилган қулай имкониятларга алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизда хориж сармояларини, хусусан, саноатга юқори технологияларни жалб этишга катта аҳамият берилаётгани, чет эл сармоялари киритилиши бўйича соддалаштирилган тартиб ва рағбатларга эга бўлган “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва “Ангрен” махсус индустриал зонасининг ташкил этилгани Хитой бизнес вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Тақдимот якунида унинг айрим қатнашчилари Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг истиқболлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

**Цзянси провинциясининг вице-губернатори Сие Лу** ҳар икки томонда савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни чуқурлаштириш юзасидан интилиш ҳамда икки давлат етакчилари ўртасида дўстона ва ўзаро ишончга асосланган муносабатлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда,

(Давоми 2-бетда).

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Мамлакатимиз Конституциясида парламентга берилган ваколатларга мувофиқ, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2011 йилги ва 2012 йил биринчи чорагидаги ижроси бўйича ҳисоботларини кўриб чиқдилар. Ушбу масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р. Азимов маъруза қилди. Мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг ижро этилиши устидан парламент назорати Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, шунинг учун ҳам бу масала доимо халқ вакилларининг диққат марказида бўлади. Мазкур ҳисоботлар сиёсий партиялар барча фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг, шунингдек, Қонунчилик палатаси қатор қўмиталарининг мажлисларида дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Маърузаларда таъкидландики, кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида юз бераётган салбий ҳолатларга қарамасдан, инқирозга қарши кенг қамровли дастур чоралари кўрилганлиги, шунингдек, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг изчил амалга оширилаётганлиги туфайли 2011 йилда иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблик таъминланди.

2011 йил якунларига кўра, мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 8,3 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари 6,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6 фоизга, қурилиш ишлари ҳажмлари 8,1 фоизга, чакана товар айланмаси 16,4 фоизга, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажмлари 16,1 фоизга ўсди. Маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва экспорт маҳсулотлари тузилмасини диверсификация қилиш, маҳсулот сотиш бўйича янги ташқи бозорларни фаол ўзлаштириш 2011 йилда экспорт ҳажмларининг 15,4 фоизга ўсишини, ташқи савдо балансидаги ижобий сальдо миқдорининг анча ортиши ҳамда мамлакатимиз олтин-валюта захираларининг кўпайишини таъминлади.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантириш, уй-жой қурилишини, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантириш борасида фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида инвестицияларни ўзлаштириш ҳажмлари 11,2 фоизга кўпайди. 1006 та янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди,

(Давоми 2-бетда).

# СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳозирги кунда фермерлик ҳаракати қишлоқда яшаётган одамларни, Ўзбекистон шароитида 50 фоизга яқин аҳолини иш билан таъминлаш, юқори даромад олиш, энг муҳими, саноатимизни хом ашё билан, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда етакчи ўрин эгаллаб келмоқда.

Фермерлик ҳаракати нафақат қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига, балки бутун иқтисодиётимизнинг жадал тараққий топишига, мамлакатимизнинг қўлга киритган ютуқларига, халқимизнинг ҳаёт даражасини оширишга беқиёс ҳисса қўшгани ҳақида биз кўп гапирамиз. Ҳаётнинг ўзи охирги ўн-ўн беш йил давомида бунинг учун етарли далил ва асослар бермоқда.

Шуни таъкидлаб айтмоқчиман — Ўзбекистонда бу ҳаракатни янада ривожлантириш, уни янги босқичга кўтариш, қудратли бир ижтимоий кучга айлантириш йўлида давлатимиз ва шахсан ўзим Президент сифатида фермерлик ҳаракатини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашга тайёрман. Кимки фермерлик ҳаракатига қарши чиқадиган бўлса, бу Президент сиёсатига қарши чиқиш билан баробар, деган сўзларимни бугун такроран айтмоқчиман, деди Ислом Каримов. Лекин, фермерлик ҳаракатига бундай муносабат фермер хўжалигини юритиш, унинг самарадорлигини оширишга доир барча сир-асрорларни чуқур ўзлаштирдик, деб айтишга асос бермаслиги керак.

Ҳозирги вақтда шу масала устида кўп ишлаб, Германия, Голландия, Польша каби давлатларга мутахассис ва фермерларни жўнатиб, уларнинг тажрибасини ўрганиш орқали фермерлик ҳаракатининг самарадорлигини янада ошириш бўйича бугун замоннинг ўзи талаб қилаётган дастур тайёрламоқдамиз.

Фермерлик соҳасида биз ҳозиргача фақат 10-15 йиллик тажрибага эгамиз. Ваҳолонки, фермерлик ҳаракати бутун дунёда неча юз йиллик тарихга эга. Биз уларнинг тажрибасини, ютуқларини ўрганиб, ўзимизда жорий этишимиз керак. Лекин бу борада ўз олдимизга шундай мақсад қўйишимиз керакки, эртага ўқувчи эмас, ўқитувчи бўлиб иш олиб боришимиз зарур.

Сессияда вилоятда аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондириш бўйича амалга оширилаётган ишлар атрофлича таҳлил этилди.

Сурхон воҳасида бугунги кунда 2 миллион 220 мингга яқин киши истиқомат қилмоқда. Аҳоли жон бошига ўртача даромад кўрсаткичи вилоятда республиканинг ўртача кўрсаткичидан анча орқада қолаётганини тан олиш керак ва бундай ҳолатни ўзгартириш ҳақида ҳаммамиз бош қотиришимиз лозим, деди давлатимиз раҳбари ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар ҳақида тўхталар экан.

Вилоятда янги иш ўринлари ташкил этиш борасида қабул қилинган дастурга мувофиқ, 2011 йилда 65 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилган. Уларнинг 73 фоиздан ортиғи кичик бизнес соҳасига тўғри келади. Айни вақтда, 2011 йил якуни бўйича, вилоятда доимий иш билан банд бўлмаган аҳоли сони 46 минг нафарни ташкил этмоқда. Баъзи туманларда ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлиб қолаётганини ҳақида танқидий фикрлар билдирилди. Бу масалани ечиш йўлларидан бири сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада кучайтириш, фермер хўжаликлари пахтачилик, ғаллачилик ёки боғдорчилик билан чекланиб қолмасдан, ўзи етиштирган маҳсулотни саноат асосида қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширадиган бригадаларни ташкил қилиш, таъминот масалаларини йўлга қўйиш каби фаолият турлари билан ҳам шуғулланиши зарурлигига эътибор қаратилди.

Маълумки, бундан уч йил олдин мамлакатимизда қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини ошириш, унинг яшаш шароитини шаҳар шароитига яқинлаштириш мақсадида муҳим давлат дастури қабул қилинган эди. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий янги уй-жойлар қуришга қаратилган бу дастур халқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

Бу уйларнинг лойиҳалари устида жуда кўп ишлаб, турли вариантларни қурувчи ва мутахассислар, жамоатчилик вакиллари иштирокида кенг муҳокама қилдик. Билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалар асосида энг маъқул лойиҳалар қабул қилинди, деди давлатимиз раҳбари.

Қишлоқ аҳлининг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, бундай уй-жойлар учун ажратилаётган ер участкаларининг ҳажми 4 сотихдан 6 сотихга кенгайтирилгани, халқимизнинг турмуш тарзи ва анъаналарини ҳисобга олиб, қўшимча қулайликлар яратилгани ҳам кўпчилик учун айни муддао бўлди.

Бу борада Сурхондарё вилоятида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. 2009 — 2011 йилларда қарийб 95,5 миллиард сўм маблағ ҳисобидан янги уй-жойлар барпо этилиб, 1 минг 400 га яқин оила янги уйларга кўчиб киргани бунинг тасдиғидир.

Таъкидлаш керакки, бундай замонавий уй-жой массивлари қишлоқларимизнинг меъморий қиёфасини тубдан ўзгартириш, одамларнинг турмуш маданиятини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, коммунал корхоналар ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 60 километрлик газ, 72 километрлик электр, қарийб 68 километрлик сув тармоқлари барпо этилгани, 20 километрдан ортиқ йўл қурилиши амалга оширилганини қайд этиш лозим.

Ҳозирги вақтда ушбу дастур талаблари қандай бажарилаётгани айрим вилоятларда тегишли назорат ташкилотлари томонидан жиддий ўрганилмоқда. Сурхондарё вилояти раҳбарлари ва мутасаддиларини ҳам огоҳлантириб айтмоқчиман, билиб қўйинглар, бу борада сўров қаттиқ бўлади, деб уқтириб ўтди Президентимиз.

Сессия мажлисида биз учун ўта муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган яна бир масала — умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш борасидаги ишларнинг аҳволи ҳақида ҳам сўз юритилди.

Бу йил Сурхондарё вилояти бўйича 47 минг 446 нафар бола мактабни битирмоқда. Уларнинг 1770 нафари академик лицейларда, 45 минг 676 нафари эса касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттириши кўзда тутилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, айрим ота-оналар ўртасида ўз фарзандлари, айниқса, қиз болаларга нисбатан мактабни битиргандан кейин ўқиш шарт эмас, турмуш қуришни ўйлаш керак, деган эскича қарашлар ҳали-бери учраб турганини афсус билан айтиб ўтишга тўғри келади. Ваҳолонки, коллежда ўқиб, аниқ касб-ҳунар эгаси бўлиш, биринчи навбатда, қиз бола учун зарур. Қўлида ҳунари бор қиз бола эртага бировга қарам бўлиб қолмайди, ўз меҳнати, билим ва истеъдоди билан оиласини тебратишга, фарзандларини баркамол инсон этиб тарбиялашга ҳисса қўшади. Бу, ўз навбатида, ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкамлашда қандай муҳим аҳамиятга эга эканини кимгадир исботлаб беришнинг ҳожати йўқ.

Бу ҳақиқатни биз — ота-оналар чуқур тушуниб, англаб, фарзандларимизнинг билим олиши, замонавий касб-ҳунар эгаллаши учун ҳамма шароитни яратиб беришимиз керак. Бу бизнинг болаларимиз олдидаги муқаддас бурчимиздир. Акс ҳолда, уларнинг келажагига хиёнат қилган бўламиз, деди Ислом Каримов.

Бу масалалар ҳақида гапирганда, ҳаммамиз яхши тушуниб олишимизни истардим — бу йил юртимизда "Мустаҳкам оила йили" деб ном берганимиз, албатта, бежиз эмас. Мустаҳкам оила деганда, биз, аввало, бахтли оилани, ўз мурод-мақсадига етадиган оилани тушунамиз, деб ўз сўзини давом эттирди давлатимиз раҳбари.

Айни пайтда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашдек муҳим масалада йўл қўйилаётган камчиликлар атрофлича таҳлил қилинди.

Ёдингизда бўлса, ўтган йил якунларига бағишланган мажлисда мен бу мавзуга алоҳида тўхталиб, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларини, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини бу борадаги ишлар қандай йўлга қўйилганига қараб уларнинг фаолиятига баҳо берилиши ҳақида огоҳлантирган эдим, бинобарин, бу масала бўйича барча масъул мутасаддилар тегишли хулоса қилишлари зарур, деди Ислом Каримов.

Биз ўз олдимизга қўйган юксак ва эзгу мақсадга етиш, яъни ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллашимиз учун, аввало, жуда тез ўзгариб бораётган замон билан ҳамнафас бўлиб яшашимиз лозим. Бугун ҳар қачонгидан ҳам мураккаб ва кескин бўлиб бораётган ҳаётнинг ўзи олдимизга улкан ва ўта масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Нафақат бугунги ҳаёт билан ҳамқадам бўлиб яшаш, балки эртага йўлимизда пайдо бўлиши мумкин бўлган турли муаммо ва таҳдидларни бартараф этиш ҳақида ҳозирдан ўйлаб яшашимизни даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

Мана шундай шароитда эл-юртни бирлаштирир, керак бўлганда меҳр кўрсатиб, керак бўлганда қаттиққўл бўлиб, аввало, давлат ва жамият манфаатини биринчи ўринга қўйиб ишлашга қодир бўлган раҳбарга кўп нарса боғлиқ эканини тушуниш, англаш қийин эмас.

Кўпни кўрган, доно халқимиз ўз меҳнати, оқилона раҳбарлиги, инсоний фазилатлари билан ҳаётда из қолдирган етакчиларни доимо ҳурмат билан эслайди. Шу билан бирга, ўз лавозимига лойиқ бўлмаган, ўзига билдирилган юксак ишончни оқламаган одамларни ҳам эсидан чиқармайди.

Халқимизнинг "Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ қолади" деган чуқур маъноли мақоли бежиз айтилмаган. Мен бу сўзларни эл-юртимиз олдида, аввало, ёшларимиз олдида такрор ва такрор айтишни ўринли, деб биламан.

Айтиш керакки, кечаги замонда раҳбарларга нисбатан талаб бошқача эди, бугун эса бутунлай бошқача. Бугун раҳбарлик вазифасида ўтирган ҳар қайси одам ўз масъулиятини ўн карра, юз карра кўпроқ сезиши даркор.

Раҳбар бошқаларга талаб қўядиган бўлса, савол туғилади: хўп, оғайни, бу масалани бошқа томондан кўрайлик, яъни сиз ўзингиз шу талабларга лойиқмисиз? Ҳар бир раҳбар бу саволни, аввало, ўзига бериб, унга жавоб топиши керак.

Бошқалардан ҳалоллик, покликни, адолатли бўлиш, оиша-оғайнигарчилик, маҳаллийчиликка берилмасликни талаб қилиш ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин одамлар ҳамма нарсани, яъни ким бу талабларга виждон амри билан, амалий ишлар билан жавоб бераётганини, ким эса хўжакўрсин ишлар билан, "кун ўтса — бас" деб юрганини жуда яхши билади, яхши сезади.

Ҳар қайси раҳбар бу масалани чуқур тушуниб етиши, аввало, нафс балосига берилиб кетмаслиги, одамларни менсимасдан, оёғи ердан узилмаслиги лозим. Шундагина у эл-юрт ишончини қозониши, халқни юксак мақсадлар сари сафарбар эта олиши мумкин.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тавсиясига кўра, 2011 йил декабрь ойидан буён Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасини бажариб келаётган Нормўмин Омонович Чориев вилоят ҳокими этиб сайланди.

Олдимизда турган юксак марраларга эришиш учун ҳаммамиз ҳамжиҳат бўлиб, белни маҳкам боғлаб меҳнат қилишимиз, юртимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш учун бир тану бир жон бўлиб яшашимиз лозим. Бугун ўзбек халқининг замони келди, Ўзбекистоннинг замони келди, маррани баланд қўйиб яшайлик, шундагина эртанги кун, келажак бизники бўлади, деди Президент Ислом Каримов.

Сессияда "Нуроний" жамғармаси Ангор тумани бўлими раиси Хушбоқ Тангриев, Сариосиё туманидаги "Нурали-Карим" фермер хўжалиги раҳбари Абдукарим Каримов, Термиз давлат университети ўқитувчиси Насиба Бегамова, Музработ туманидаги "Музработтекстиль" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Элмурод Жумаев, Термиз давлат университети талабаси Нигора Нормуродова, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси Орзиқул Соатов ва бошқалар сўзга чиқиб, Президентимиз нутқида Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилиб, келгусидаги долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилганини, воҳа аҳли билдирилган танқидий гаплар ва амалий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, ислоҳотлар самарасини юксалтириш, барча соҳа ва тармоқлар бўйича қабул қилинган дастурларни изчил амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилади, деб таъкидладилар.

* * *

Президентимиз Ислом Каримов шу куни Термиз туманидаги "Сурхон сарвари" фермер хўжалиги далаларига ташриф буюриб, фермерлар билан мулоқотда бўлди. Ғалла ўрим-йиғимининг бориши билан қизиқди.

Абдузойир Абдуқодиров раҳбарлик қилаётган мазкур фермер хўжалиги 147 гектар ер майдонига эга. Хўжалик аъзолари бу йил 76 гектар майдонда ғўза парваришламоқда. 71 гектар майдондаги ғаллазорда мўл ҳосил етиштирилди. Давлатга пахта ва ғалла сотиш шартнома мажбуриятларини мунтазам бажариб келаётган хўжаликда ҳосилдорлик йилдан-йилга ошиб бормоқда.

— Ғаллачиликда июнь ойи муҳим палла, миришкорларимиз учун синов ойи ҳисобланади, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Бу йил ғаллачилик учун қулай йил бўлди. Ғаллакорларимиз мўлжалдаги ҳосилни тўплади. Галдаги муҳим вазифа етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан, ўз вақтида йиғиштириб олишдан иборат.

Бунинг учун вилоятда барча имкониятлар етарли. Ҳосил йиғиб олинган майдонлар сомони махсус техника ёрдамида пресссланиб, ер пешма-пеш шудгор қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда фермерлик ҳаракатининг аҳамияти катта эканини алоҳида таъкидлади.

— Фақат деҳқончиликнинг ўзи билангина халқни боқиб, фаровонликка эришиб бўлмайди, — деди Президентимиз. — Фермер нафақат деҳқон, балки иқтисодчи, менежер, агроном, саноатчи бўлиши керак. Фермер ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлаши, шу орқали қишлоққа саноатни жадал олиб кириши лозим. Ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ривожлантириши, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини йўлга қўйиши, аҳоли фаровонлигини оширишга, ёшларни иш билан таъминлашга фаол ҳисса қўшиши лозим.

Давлатимиз раҳбари ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ғўзанинг серҳосил навларини танлаш, ҳосилдорликни ошириш ҳақида тўхталар экан, бугун деҳқончиликни рентабеллик даражаси билан ўлчаш энг тўғри йўл эканини таъкидлади. Пахтанинг рентабеллиги баланд бўлмаса, деҳқоннинг шашти қайтади, ишга қизиқиши сўнади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучлари тубдан ислоҳ қилиниб, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга, профессионал ҳарбий мутахассислар билан таъминланган миллий армиямиз шаклланди. Ҳарбий хизматга ҳар томонлама баркамол, чуқур билимга эга, юксак салоҳиятли ёшлар саралаб олинмоқда. Мамлакатимиз хавфсизлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга ёшларимизда қизиқиш ҳисси, масъуллик туйғуси баланд. Сержантлар миллий армиямизнинг энг ишончли таянчи ва суянчига айланди. Ҳарбийларни мустаҳкам ижтимоий ҳимоя қилиш тизими яратилиб, барча қулайликларга эга замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлиги, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, тинчлик ва осойишталигимиз кафолати — миллий армиямизни такомиллаштиришга хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмга ташриф буюриб, офицер ва аскарлар билан мулоқотда бўлди. Хизмат жараёни, ҳарбийларнинг яшаш ва оилавий шароити билан қизиқди.

— Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган ҳарбийлар Ўзбекистоннинг фахри, ишончи ва суянчидир, — деди Президентимиз. — Улар ҳар доим Ватанимиз ҳимоясига шай. Уларнинг доимо ҳушёр ва сезгирлиги туфайли сарҳадларимиз дахлсиз, юртимиз тинч, халқимиз осойишта ҳаёт кечирмоқда. Ҳарбийларнинг ҳам ўз ҳаёти, оиласи, қувончу ташвишлари бор. Улар учун муносиб шарт-шароит яратиб бериш доимий эътиборимизда бўлиши лозим.

Халқимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан янгиланишлар, барча соҳаларда қўлга киритаётган бетимсол ютуқларимиз, эришаётган марраларимиз, бунёдкорлик ишларимиз, турмушимиз фаровонлиги истиқлол туфайли эканини теран англайди. Сурхондарё вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, одамлар онгу шууридаги, тафаккуридаги ўзгаришлар ҳам бу ҳақиқатни яққол тасдиқлаб турибди.

**(ЎзА).**

Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Цзянси провинцияси Ўзбекистон билан ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини маълум қилди.

Вице-губернатор Хитой ўзаро дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаб борган ҳолда Ўзбекистоннинг ишончли шериги бўлиб қолажагига ишонч билдирди.

## Ўзбекистон сармоядорлар учун қулай имкониятларга эга

**Цзянси провинцияси ҳукуматининг вакили Юе Лей** Ўзбекистон Хитой учун доимо алоҳида шерик мамлакат ҳисоблангани ҳолда, икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муносабатлари изчил ривожланиб келаётганини қайд этди. Унинг фикрича, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва "Ангрен" махсус индустриал зонасининг яратилиши ҳамда Жиззах вилоятида Ўзбекистон — Хитой Юқори технологиялар саноат паркини барпо этишга бўлган интилиш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари ҳали-ҳамон давом этаётган бир даврдаги эътиборга сазовор ва ишончли қадамлардир.

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларга тўхталар экан, Юе Лей "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни тобора чуқурлаштиргани ҳолда махсус иқтисодий ҳудудларни ташкил этмоқда, улар яқин келажакда миллий иқтисодиётнинг янада равнақ топишига хизмат қилади", деди.

Юе Лейнинг таъкидлашича, жадал ривожланаётган саноатга эга Ўзбекистон хорижлик, жумладан, хитойлик сармоядорлар учун ҳам жозибадор бозор ҳисобланади. Шу ўринда у Хитой ишбилармон доираларида, хусусан, Цзянси провинцияси тадбиркорларида Ўзбекистоннинг сармоявий салоҳиятига бўлган қизиқиш янада ортиб боришига умид билдирди.

**Цзянси провинциясидаги Шанжао шаҳри мэри Пан Донжун** қайд этганидек, ўзбек ва хитой халқларини илдизи Буюк Ипак йўли даврига бориб тақаладиган тарихий дўстона ришталар боғлайди. "Ҳар икки халқ ўзининг меҳнаткашлиги, миллат манфаатлари йўлида уюшиш, эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмаслик ва олға интилиш каби фазилатларга эга эканлиги билан ажралиб туради", деди у.

Цзянси провинцияси хорижий мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлар экан, Пан Донжун нафақат мамлакатлараро, балки Ўзбекистон ва Хитойнинг минтақалараро ҳамкорлик муносабатлари кўламини кенгайтириш стратегияси яхши истиқболларга эга эканлигини маълум қилди. "Бу ҳар икки мамлакатнинг тараққиёти ва гуллаб-яшнашига хизмат қилади", деди у.

Шанжао шаҳри мэри ўтказилган тақдимот маросими натижалари хусусида фикр билдириб, бундай тадбирларнинг тез-тез ўтказиб турилиши ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштириш учун қулай имконият яратишини айтди. "Бу каби тақдимотлар Цзянси ўлкасининг Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтиришдан манфаатдор бўлган ишбилармон доиралар вакилларига алоқалар йўналишларини аниқлаб олиш нуқтаи назаридан жуда фойдалидир", дея фикрини якунлади Пан Донжун.

**«Жаҳон» АА.**

# ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

144 та йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ниҳоясига етказилди. "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банкининг маблағлари ҳисобидан қишлоқ жойларда замонавий лойиҳалар асосида 7400 тага яқин уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Инвестициялардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини муваффақиятли жорий қилиш эвазига қўшимча қиймат солиғи тушумлари 2010 йилга таққослаганда 22 фоизга кўпайди, бу эса мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификация қилиш борасида олиб борилаётган сиёсатнинг энг муҳим ютуғидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида кўрилган чора-тадбирлар унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилдаги 52,5 фоиздан 2011 йилда 54 фоизга кўпайишини таъминлади. Барча омиллар ҳисобига аҳолининг реал пул даромадлари 2012 йилга таққослаганда 23,1 фоизга кўпайди.

Иқтисодиётни ривожлантиришга доир кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида Давлат бюджетининг 2011 йилдаги ижроси тасдиқланган параметрларга мувофиқ, шунингдек, иқтисодиётнинг солиқ юкини камайтирган ҳолда ижро этилди. Давлат бюджети ЯИМга нисбатан 0,4 фоиз профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси эса белгиланган прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

Мамлакатимиз Президентининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгилаган вазифаларни изчил амалга ошириш мамлакатимиз иқтисодиётида жиддий иқтисодий силжишларни таъминлади. Чунончи, жорий йилнинг I чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 7,5 фоизни ташкил этди. Иқтисодий ўсиш саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмларини 6 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни 6,1 фоизга ва хизматлар кўрсатиш ҳажмларини 12,6 фоизга кўпайтириш ҳисобидан таъминланди. Ички талабни янада рағбатлантириш ва аҳолининг харид қувватини ошириш борасида кўрилган чора-тадбирлар чакана товар айланмаси ҳажмларининг — 11 фоизга, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш — 20,1 фоизга ҳамда аҳолининг жами даромадлари — 26,2 фоизга ўсишини таъминлади.

Биринчи чоракда бюджет ЯИМга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан ижро этилди.

Бундан ташқари, Қонунчилик палатасининг мажлисида алоҳида таъкидландики, ҳисобот даврида Давлат бюджетини ижро этишда асосий эътибор ижтимоий соҳага, яъни таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларини янада ривожлантиришга, аҳолини мақсадли ижтимоий ҳимоя қилишга, биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштиришга қаратилди.

Савол-жавоблардан сўнг батафсил муҳокама бўлиб ўтди, унда барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

Баҳс-мунозаралар чоғида ЎзЛиДеП фракцияси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун яратилган қулай шароитлар ва берилган солиқ имтиёзларига эътиборни қаратдилар. Хусусан, ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга туширилиши бюджет тушумларининг камайишига олиб келгани йўқ, аксинча, солиқ солинадиган базанинг кенгайтирилиши ҳисобига бюджет тушумлари ўтган йилга таққосланганда 31,4 фоизга ўсганлигини алоҳида таъкидладилар. Шу билан бир қаторда, жойларда қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятини кучайтириш учун шароитларни янада такомиллаштиришга, фермер хўжаликлари фаолиятини рағбатлантиришга, бу хўжаликлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширишга қаратилган талабларини бажаришга доир таклифлар билдирилди. Корхоналарда ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган харажатларни қисқартириш, қишлоқ жойларга замонавий минитехнологияларни жалб этиш масалаларига эътиборни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

ЎзХДП фракцияси депутатлари Давлат бюджетининг ижтимоий соҳага йўналтирилганлигини, чунончи, харажатларнинг 58 фоизи айнан шу соҳага ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга сарфланаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Қабул қилинган Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг амалга оширилиши 2011 йилда бир миллионга яқин янги иш ўринларини ташкил этиш имконини берди, шундан 68 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади. Шунингдек, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурини амалга оширишга жорий йилнинг биринчи чорагида барча молиялаштириш манбаларидан 271 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Шу билан бирга, ЎзХДП фракцияси вакиллари бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш орқали аҳолининг ижтимоий кам таъминланган қатламларини манзилли қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш зарурлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" ДП фракцияси депутатлари оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган ва яқиндагина қабул қилинган қонунларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигига эътиборни қаратдилар. Ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш учун ажратилаётган маблағларни самарали сарфлаш муҳимлиги таъкидланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" ДП фракцияси депутатлари маҳаллий бюджетлардан ажратилаётган маблағларнинг сарфланиши устидан депутатлик назоратини кучайтиришга даъват этдилар. Шунингдек, туристик фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш орқали туризм соҳасини ҳамда маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини кўпайтиришга олиб келувчи кичик шаҳарлар ва этник маданий марказларни ривожлантириш масаласига алоҳида урғу берилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари бюджетда ғазначилик бошқаруви тизимининг жорий этилиши туфайли эришилган ижобий натижаларнинг муҳимлигини таъкидладилар. Инновацияларга асосланган иқтисодиётни модернизация қилиш бюджет маблағларини сарфлашнинг муҳим йўналиши бўлиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Бунда депутатлар қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш учун маблағлар ажратиш зарурлигига эътиборни қаратдилар.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи аъзолари атроф-муҳитни муҳофаза қилишни молиялаштириш ҳажмларининг ҳар йили ошиб бораётганлигини алоҳида таъкидладилар. Чунончи, агар 2010 йилда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга Давлат бюджетидан 48,9 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 84,2 миллиард сўмни ташкил этди. Айни бир вақтнинг ўзида Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар табиатни муҳофаза қилиш ва тураржой мавзеларини ободонлаштиришга, шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқлар инфратузилмасини яратишга ажратиладиган бюджет маблағларини самарали ўзлаштириш муҳимлигини таъкидладилар.

Шунингдек, депутатлар бюджет интизомига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш зарурлиги ҳақида фикр билдирдилар. Ҳукуматга бюджетнинг даромад қисми сифатли ижро этилишига салбий таъсир этувчи омилларга, чунончи, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича боқимандалик, дебиторлик ва кредиторлик қарздорликнинг аҳволига алоҳида эътибор қаратиш таклиф этилди.

Депутатлар Давлат бюджети бўйича ҳисоботлар юзасидан тегишли вазирликлар ва идораларнинг вакилларига кўплаб саволлар беришди.

Масалалар атрофлича муҳокама этилганидан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2011 йилги ва 2012 йил биринчи чорагидаги ижроси бўйича ҳисоботларни тасдиқлади.

Муҳокама якунларига кўра, Қонунчилик палатасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Ахборот хизмати.**

## Молия муассасаларида

*Мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги алоқаларни самарали йўлга қўйиш, молия-кредит ишларини юқори савияда бажаришда молия муассасаларининг алоҳида ўрни бор. Кейинги йилларда юртимиз банкларининг капиталлашуви, барқарорлиги, шунингдек, ликвидлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилган изчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирлар натижасида молия-банк тизимида қатор ижобий ўзгаришлар содир бўлди.*

XALQ BANKI

# Ишонч ва кафолат

Аҳолининг ушбу тизимга бўлган ишончи янада ортиб, банклар фаолиятининг самарадорлиги юқори босқичга кўтарилди.

Бундай жадаллашув жараёнида давлат-тижорат Халқ банки ҳам истиқболли режа ва дастурлари билан юртимиз аҳолисига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Айниқса, тадбиркорлар сафини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг истиқболли лойиҳаларини молиялаштиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Халқ банки эришаётган ютуқларни биргина унинг Хоразм вилояти филиали мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳозир ушбу молия муассасасининг 12 та филиали, 10 та минибанки, 117 та шохобчаси ҳамда 54 та махсус кассалари аҳоли хизматида.

Мижозларга кредит бериш, айниқса, кичик бизнесни ривожлантиришдаги истиқболли лойиҳаларни молиялаштиришга филиал жамоаси катта эътибор қаратган. Чунки бу масъулиятли вазифа иқтисодиётимиз юксалишини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Бу йўналишда амалга оширилаётган катта ишлар самараси ўлароқ жорий йилнинг беш ойида банк филиалининг кредит портфели ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 26 фоизга ўсиб, яъни 67 миллиард 580 миллион сўмдан ортиқ маблағни ташкил этмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятнинг кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 12 миллиард сўм кредит ажратилиши натижасида 700 тага яқин иш ўринлари яратилгани ҳам диққатга сазовордир. Банк томонидан йил охиригача яна 14 миллиард 146 миллион сўм кредит ажратиш ҳисобига кичик бизнес лойиҳаларини кредитлаш мўлжалланмоқда.

Шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун тўртта лойиҳага 700 миллион сўм, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 2,8 миллиард сўм кредитлар берилди. Банк томонидан йил бошидан буён иқтисодий ночор корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида 4 та лойиҳа молиялаштирилиб, 1,4 миллиард сўм кредит ажратилди. Бундан ташқари, бўш турган объектлар ва фаолиятсиз корхоналар негизида янги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси объектларининг дадил фаолиятини йўлга қўйиш учун 300 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида 450 тага яқин иш ўринлари яратилди.

Банк кредитидан фойдаланиб иш бошлаган корхоналардан бири вилоятнинг чекка Питнак шаҳарчасидаги “93-автокорхона” масъулияти чекланган жамиятидир. Корхонага Халқ банки Питнак филиали томонидан 8 та ISUZU автобуслари сотиб олиш учун 556 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Натижада вилоятнинг чекка ҳудудида қўшимча 16 та иш ўрни ташкил қилиш, ҳудудда яшовчи аҳолига қулайлик яратиш имконияти туғилди.

— Ушбу банкдан олган 300 миллион сўмлик кредит эвазига корхонамиз фаолиятини йўлга қўйдик, — дейди Гурлан туманидаги “Нурбек Санжарбек” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Замира Аминова. — Шу кредит туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатли сақлайдиган совутқичлар сотиб олиб аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқчимиз. Хизматимиздан аҳоли мамнун бўлишига ишонаман.

Банк филиалидан кредит олиб, янгидан ишлаб чиқаришни йўлга қўяётган, қўшимча иш ўринлари ташкил этиб, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётган бундай тадбиркорлар кўпчиликни ташкил этади. Хусусан, тадбиркор аёллар банкнинг энг фаол мижозларидан ҳисобланишади. Банк жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркор аёллар учун 1 миллиард сўм микросармоялар ажратди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётган кичик бизнес соҳаси вакиллари сафини касб-ҳунар коллежлари ёки олий ўқув юртларини битириб чиқаётган ёшлар ҳисобига кенгайтириш бугунги кунда муҳим вазифа саналади. Банк жамоаси буни теран англаган ҳолда, бу ишга ҳам масъулият билан ёндашмоқда. Масалан, бу йил тадбиркорликка уқуви юқори бўлган коллеж битирувчиларидан 117 нафарига ўз бизнесини бошлашлари учун 171 миллион сўм кредит ажратилди.

Гурлан қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи битирувчиси Наврўзбек Янгибоев банкнинг Гурлан филиалидан кредит олиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини дадил бошлаган ана шундай ёшлардан бири.

— Банк ажратган 6,2 миллион сўм кредит ҳисобига қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалардан ҳимоя қилиш воситаларини сотиб олдим, — дейди Наврўзбек. — Қишлоқда кўпчиликка нафим тегаяпти. Тадбиркор бўлганимдан фахрланаман.

Банк томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу мақсад учун банк бир миллиард сўмдан кўп миқдорда кредит маблағлари ажратишга эришди.

Ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, Халқ банки Хоразм вилояти филиали ўзининг самарали фаолияти билан воҳа иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Гапнинг сирасини айтганда, филиал жамоаси мижозлар ишончини янада мустаҳкамлаш, хизмат кўрсатиш сифати ва савиясини бундан-да юксалтириш, ислоҳотлар жараёнида фаол қатнашиш йўлидан бормоқда. Зеро, банкларнинг изчил фаолияти халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**1.** Аукцион савдосига Қарши шаҳар СИБ томонидан, Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 2010 йил 25 январдаги 18-0903/22364-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Қашқадарё озиқ-овқат маҳсулотлари» МЧЖга тегишли бўлган, Қарши шаҳри «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 4-уйда жойлашган, умумий майдони 15077,04 кв.м., қурилиш ости майдони 4615,25 кв.м.дан иборат бўлган бино-иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 2 360 985 000 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Қарши тумани СИБ томонидан, ФИБ Қарши туманлараро судининг 2009 йил 20 октябрдаги 1-1261/02-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қарши тумани, «Нуқрабод» ҚФЙ, Нуқрабод қишлоғида жойлашган, умумий майдони 26599,46 кв.м.дан иборат бўлган трактор парки биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 447 017 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 17 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 13 июль куни соат 18.00.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

***Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:***
***Қарши шаҳри, М. Абдуллаева кўчаси, 20-уй.***
***Телефон: (8-375) 225-44-58. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz***

*Лицензия: RR-0001.* 993А/1141

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Бухоро вилояти филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Бухоро шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2011 йил 12 августдаги 2-37-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Абдураҳмон Жомий кўчаси, 15/5-уйда жойлашган, умумий ер майдони 995,64 кв.м.дан иборат сауна биноси ва унинг ичидаги мулклар такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 474 009 313 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 5 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 3 июль куни соат 18.00.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг «Турон» банки Бухоро филиали, Мустақиллик минибанкидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:**
**Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават.**
**Телефонлар: (8-365) 223-71-36, 223-71-30.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.* 992А/1441

## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

***Савдога қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:***

**1.** Қибрай тумани СИБ томонидан 2011 йил 13 июлдаги 4912-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Оқ қавоқ» ҚФЙ, Узумзор маҳалласида жойлашган, қурилиши битмаган дўкон.

***Бошланғич баҳоси — 147 477 000 сўм.***

**2.** Қибрай тумани СИБ томонидан 2011 йил 13 июлдаги 1087-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Оқ қавоқ» ҚФЙ, Вир ботоника кўчаси, 1-уй, 25-хонадонда жойлашган 3 хонали яшаш уйи.

***Бошланғич баҳоси — 50 693 000 сўм.***

**3.** Қибрай тумани СИБ томонидан 2010 йил 20 майдаги 4734-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Қибрай» ШФЙ, Зебунисо кўчаси, 23-уй, 19-хонадонда жойлашган 3 хонали яшаш уйи.

***Бошланғич баҳоси — 21 654 493 сўм.***

**4.** Қибрай тумани СИБ томонидан 2010 йил 20 майдаги 1087-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Чинобод» ҚФЙда жойлашган рақамсиз уй.

***Бошланғич баҳоси — 16 107 660 сўм.***

**5.** Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 2010 йил 2 апрелдаги 272/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Аҳмад Югнакий мавзеси, 40-«А» уйда жойлашган савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 24 216 940 сўм.***

**6.** Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2011 йил 20 декабрдаги 1-541-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Истиқлол» ҚФЙда жойлашган «Sun CityVillage» дам олиш оромгоҳи.

***Бошланғич баҳоси — 349 702 573 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 17 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 17 июль куни савдода сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 1 август куни бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖнинг Тошкент шаҳри «Ипотека-банк»и АТИБ Шайхонтоҳур филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

***Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй.***
***Телефон: (8-371) 266-80-76.***

*Лицензия: RR-0052.* 989А/121

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

**1.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан, Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2010 йил 24 майдаги 112-01011/2311 (27.1)-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 210-уйда жойлашган, умумий қурилиш майдони 393,75 кв.м. бўлган 0006-литердаги ёрдамчи бино такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 165 688 735 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан, Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 12 сентябрдаги 12-1103/5007 (11)-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Гулистон шаҳри, 1-мавзе, Ш. Рашидов кўчаси ҳудудида жойлашган, умумий фойдали майдони 597,24 кв.м., умумий қурилиш майдони 271,86 кв.м. бўлган савдо дўкони биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 317 750 562 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 3 июль куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 29 июнь куни соат 18.00.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР:207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона.**
**Мурожаат учун телефон: (8-367) 226-38-91.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.* 998А/1441

***Муҳтарам юртдошлар! Сиз учун имконият!***

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги кўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва тураржой биноларини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкил этишда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилаётган хизматлар «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

***«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишини кафолатлаймиз.*** 905-2R/1441

## «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК



**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.**

***(ҚҚС билан)***



**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича** Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

*Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**

*2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.** 130R/97

HYUNDAI NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.




TUCSON

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

EURO2012 POLAND-UKRAINE

**DONGNAM UZ MOTORS**
**Тел.: (+99871) 250-11-11. Факс: (+99871) 250-55-99.**
**www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru** 233R/101

Сертификатланган



SUVMASH
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ISO 9001:2008
Certifed Management System

## НАСОСЛАР
тайёрлайди ва таъмирлайди








“ЭЦВ” РУСУМЛИ ҚУДУҚҚА МЎЛЖАЛЛАНГАН
“Д” РУСУМЛИ ЁТИҚ
“К” РУСУМЛИ ТАГЛИККА ЎРНАТИЛГАН
“НК” НЕФТЬ НАСОСЛАРИ
НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ
шунингдек, уларнинг эҳтиёт қисмлари.








**Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент ш., Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 13.**
**Тел.: (+99871) 295-13-00, 295-06-35, 295-06-37, 295-19-08. Факс: (+99871) 295-51-08.**
**E-mail: office@suvmash.uz; suvmash@mail.ru sales@suvmash.uz www.suvmash.uz** 622R/460

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети раҳбарияти ва Касаба уюшма қўмитаси университетнинг Ўзбек тили кафедраси доценти Турсуной Юсуповага волидаи муҳтарамаси

**ШУКУР аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси Одам анатомияси ва гистология кафедраси доценти Шаҳноза Абзаловага падари бузруквори

**РУСТАМ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Муваффақиятларнинг мустаҳкам пойдевори

*Хабарингиз бор, шу йилнинг 27 июль — 12 август кунлари Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида XXX ёзги Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон вакиллари велоспорт, енгил атлетика, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, бадиий гимнастика, бокс, дзюдо, таэквондо (WTF), спорт гимнастикаси, сузиш, эркин кураш, юнон-рум кураши, оғир атлетика каби йигирмага яқин спорт турлари бўйича ғолиблик учун кураш олиб боришади.*

Яқинда улар сафига қиличбозлик бўйича Ўзбекистоннинг кўп карра чемпиони Руслан Кудаев ҳам қўшилди. У Японияниҳг Вакаяма шаҳрида ўтказилган Осиё — Тинч океани минтақаси спортчиларининг Олимпия саралаш баҳсларида ўз маҳоратини намойиш этиб, олтин медаль ва Лондон йўлланмасини қўлга киритди. Унинг ушбу муваффақияти юртимиз спорт ихлосмандлари қалбига олам-олам қувонч бағишлади.

Руслан Асака шаҳрида туғилган. Шаҳардаги 4-умумтаълим мактабининг 5-синфида ўқиётганида Ринат Семенеев раҳбарлигидаги қиличбозлик секциясида шуғуллана бошлади. Вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ташкил этилган мазкур секция тарбияланувчилари орасидан жуда кўплаб вилоят, республика ва халқаро мусобақалар ғолиблари етишиб чиққан.

— Руслан ўсмирлигидаёқ ўзининг иродаси, қийинчиликлардан чўчимай, мақсади сари дадил интилиши билан ажралиб турарди, — дейди мураббий. — У ноёб истеъдод соҳиби. Шу боис ҳам қисқа вақт ичида қиличбозликнинг нозик жиҳатларини ўрганиб, маҳорат бобида тенгқурларидан ўзиб кетди. Бир неча бор Ўзбекистон чемпиони, Германиядаги жаҳон чемпионати финалчиси, Осиё биринчилиги совриндори, Сингапурда ўтказилган Гран-при ғолиби бўлди. Албатта, бундай марраларга фақат истеъдоди туфайлигина эришди, дейиш ноўрин. Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спортга қаратилаётган эътибор сабаб кўплаб иқтидорлар кашф этилмоқда, улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бир эслаб кўринг, илгарилари машғулот ўтказиш учун, ҳатто, шаҳарларда ҳам тузукроқ шароит бўлмасди. Мустақилликка эришганимиздан кейин энг олис ҳудудларда ҳам муҳташам спорт саройлари, сузиш ҳавзалари, стадионлар барпо этилмоқда. Айниқса, ўғил-қизларни болалигиданоқ жисмоний тарбия машғулотларига жалб этиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ўз самараларини бераяпти. Фарзандларимиз ҳар жиҳатдан соғлом, бақувват, эслиҳушли бўлиб улғайса, энг катта ютуғимиз шу-да.

— Олимпиадада кучсиз рақибнинг ўзи бўлмайди. Нима деб ўйлайсиз, Руслан совриндор бўла олармикин? — сўраймиз Ринат Семенеевдан.

— У мусобақаларга ҳам руҳан, ҳам жисмонан астойдил тайёргарлик кўраяпти. Йиллар давомида орттирган тажрибаси ва имкониятларидан келиб чиқиб айтишим мумкинки, Руслан, албатта, Лондондан медаль билан қайтади, — дейди у.

Спорт орқали ўз бахтини топганлар жуда кўп. Улардан бири Руслан Кудаевдир. У турмуш ўртоғи Ферузахон билан айнан қиличбозлик секциясида танишиб, кейинчалик оила қурган. Бугун спортчилар оиласида ўғил фарзанд — Самир вояга етмоқда. Ферузахон ҳам қиличбозликда қатор ютуқларни қўлга киритган. Аммо ҳозир бола тарбияси билан банд.

— Бундан сира ҳам афсусланмайман, — дейди Ферузахон. — Вақти келиб, катта спортга қайтарман. Бордию ушбу ниятим амалга ошмай қолса, ўғлимизнинг зўр спортчи бўлиб етишиши учун астойдил ҳаракат қиламан. Лондонда ўтказиладиган Олимпиада баҳсларини мен ҳам сабрсизлик билан кутаяпман. Ана шу мусобақаларда умр йўлдошимга омад тилаб қоламан.

— Оила — муқаддас даргоҳ, — дейди Руслан. — У тинч, мустаҳкам бўлса, инсон ўзини бахтиёр ҳис қилиб, ҳар қандай кўзланган маррага, албатта, эришади. Бунга мен ҳаётим давомида жуда кўп бор амин бўлдим. Шунинг учун ҳам муваффақиятларимда оиламнинг ҳиссаси катта, деб ўйлайман.

Вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Р. Ҳамроев шундай дейди:

— Таълим даргоҳимиздан етишиб чиққан жуда кўп спортчиларнинг Ўзбекистон фахрига айланганидан чексиз ғурурланамиз. Боксчиларимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев, Баҳодир Султонов, Ўткирбек Ҳайдаровни бугун нафақат юртимизда, балки дунё миқёсида ҳам жуда яхши билишади. Улар изидан бораётган Руслан Кудаевнинг ҳозиргача эришган ютуқлари қаторига ҳадемай Олимпиада ўйинлари ғолиби, деган таъриф қўшилишига ишончимиз комил. Бу йўлда унга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

«Таътил — 2012»



# Тоғ бағрида мароқли ҳордиқ

*Зомин туманида жойлашган "Алоқачи" оромгоҳида Қорақалпоғистон Республикасидан ташриф буюрган 30 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари кутиб олинди. Эндиликда улар хушҳаво масканда ҳордиқ чиқаришади.*

— Вилоят мактаблари қошида ҳам 42 та кундузги оромгоҳлар ташкил этилган бўлиб, уларга 4 мингдан зиёд ўқувчилар қамраб олинади, — дейди касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вилоят кенгаши бўлим бошлиғи Собир Мамадазизов. — Шунингдек, Зомин, Фориш, Ғаллаорол ва Жиззах туманларидаги 13 та оромгоҳ ўз фаолиятини бошлади. Ушбу масканлар мавсум давомида 4 мингдан ортиқ ўқувчини қабул қилади. Жумладан, 70 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари ва махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари бепул йўлланма билан таъминланади.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Илғор муолажа усуллари

**ортопедик хасталикларни даволашда қўл келмоқда**

*Кеча пойтахтимизда травматология ва ортопедия соҳасининг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда юртимиз мутахассислари ҳамда хорижлик олимлар иштирок этишди.*

Анжуман

Унда соҳадаги долзарб масалалар, жумладан, таянч-ҳаракат аъзолари жароҳати ҳамда касалликларининг олдини олиш, ташхислаш ва даволашда янгича усулларни қўллаш хусусидаги илмий маърузалар тингланди. Олимлар, тадқиқотчилар умуртқа жарроҳлиги, болалар травматологияси ва ортопедияси, остеопороз муолажаси каби йўналишларда тўпланган тажрибалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Соҳа мутахассисларининг қайд этишича, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида изчил амалга оширилган ислоҳотлар туфайли бугунги кунга келиб, тиббиётдаги энг долзарб муаммолардан бири — оғир аралаш жароҳатларни самарали даволашга муваффақ бўлинмоқда. Юртимиз олимлари суяк синиши ва ортопедик хасталикларни даволашда кўплаб илғор муолажа усулларини ишлаб чиқишди. Хусусан, бугун суяк-бўғим патологиясида компьютер ва магнит резонанс томографияси, ультратовуш ташхиси, йирик бўғимларни эндопротезлаш сингари услублар қўлланилаётир. Сўнгги йилларда мамлакатимиздаги етакчи илмий муассасалардан бири ҳисобланган Травматология ва ортопедия илмий текшириш институтида энг ноёб жарроҳлик амалиётлари ўтказилаяпти. Ушбу муассаса ходимларининг жаҳондаги нуфузли илмий марказлар мутахассислари билан ўзаро тажриба алмашиб, суяк-бўғим хасталикларини чуқур ўрганиш ва даволаш бўйича ижобий натижаларга эришаётганлиги эса янада қувонарлидир.

Тадбир доирасида травматология ва ортопедияда қўллаш учун мўлжалланган замонавий дори воситалари ва таянч-ҳаракат қурилмаларини ишлаб чиқарувчи йирик компанияларнинг маҳсулотлари кўргазмаси ташкил қилинди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Боқий мерос

***Юртимиздан жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган кўплаб буюк олимлар, адибу шоирлар, фан арбоблари етишиб чиққани маълум. Ана шундай муборак зотлардан бири халқимизнинг фахри, ифтихори, адабиётшунос, тилшунос Маҳмуд Замахшарийдир.***

# Маҳмуд Замахшарий

Замахшарий йирик тилшунос сифатида Шарқ тилларининг ривожланишида муҳим ўрин эгаллади. У тиллар билими, тарих, география, адабиётшунослик, этнография, ахлоқ-одобга доир асарлари билан довруқ қозонган.

Буюк ватандошимиз Замахшарийнинг асарлари барча замонларда Шарқу Ғарб халқлари орасида шуҳрат қозонган.

Қуйида унинг ҳикматлари билан танишасиз:

***Инсоннинг кийимига қарама, билимига қара. Илм — бу ота, у сут беришда онадан фойдалироқдир. У ёмонликни тузатиш учун ҳамма нарсадан яхшироқдир. Агар тилингни тиймасанг, жиловингни душманингга бериб қўясан.***

* * *

*Ақлли ғофилнинг ҳоли нодон ғофилнинг умрига силтов бўлади.*

* * *

***Урушқоқ ва жанжалкаш киши хафалик билан шодлик орасида яшайди.***

* * *

*Ҳаддан ошишингни пасайтир, кибрланишдан воз кеч.*

* * *

***Қуёш нури беркитилмайди, ҳақиқат шами сўнмайди.***

* * *

*Виждонли киши хавфдан холи яшаса, хиёнат қилувчи киши беҳаловат яшайди.*

**Отабек ИСМОИЛОВ тайёрлади.**

# МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ ТАЯНЧИ

*Ҳар бир ота-она ўз бахтини фарзанди камолида кўради. Шу боис ўғил-қизнинг таълим-тарбияси, ҳеч кимдан кам бўлмай улғайиши учун ўзини масъул деб билади. Бинобарин, ушбу масала бугун мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Зеро, ўсиб келаётган авлод тимсолида нафақат ота-онанинг, балки юртимизнинг ҳам порлоқ келажаги мужассамдир.*

Қарор ва ижро

Айтиш керакки, истиқлолнинг илк кунлариданоқ Президентимиз ташаббуси билан юртимиз таълим тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширила бошланди.

Президентимизнинг шу йил 29 майда эълон қилинган "Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эса бу борадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда беқиёс аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Негаки, ўрта бўғин мутахассисларига бўлган эҳтиёжни қондириш, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларимизга мукаммал сабоқ бериш, уларнинг бирор касб бошини тутишига кўмаклашиш — академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фаолияти ва у ерда ишлаётган мутахассисларнинг малакаси, тажрибасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу эса Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўрсатилганидек, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро фаол алоқасини таъминлашни тақозо этади.



Айтиш жоизки, ушбу қарорда кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш олий ва ўрта махсус таълими тизимидаги барча профессор-ўқитувчилар зиммасига катта масъулият юклайди. Хусусан, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоасида ҳам мазкур ҳужжат асосида ўзларига бириктирилган касб-ҳунар коллежларига кўмаклашиш мақсадида истиқболли режалар ишлаб чиқилди. Айни пайтда Тошкент шаҳри ва вилояти, шунингдек Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё ва Наманган вилоятларидаги турдош касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Унга кўра, эришилаётган ютуқлар, ижобий натижалар билан бир қаторда, юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича ўзаро фикр алмашилди. Ота-оналар, ўқувчилар, коллеж раҳбарияти ҳамда иш берувчи ташкилотлар мутасаддилари иштирокида ўтказилаётган бу каби амалий семинарлар битирувчилар ҳаётида, айниқса, унутилмас таассуротлар қолдирмоқда. Негаки, бу ёшлар ота-оналари, устозлари ва бўлғуси ишхонасидаги ходимларнинг ўзаро келишиб, фарзандлар истиқболи хусусида фикр билдираётганига ҳеч қачон бефарқ қарамайди. Аксинча, янада масъулият ва тиришқоқлик билан касб-ҳунар сирларини ўрганишга бел боғлайди.

Қолаверса, бундай ҳамкорликдан кўзда тутилган асосий мақсад — таълим муассасасида кичик мутахассислар тайёрлашда самарадорликка эришиш, ўқув муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда малакали кадрлар тайёрлашдан иборатдир.

Мамлакатимизда кейинги йилларда барча соҳаларда қўлга киритилган ютуқ ва муваффақиятларнинг салмоғи асрларга татийди. Жумладан, таълим ва тарбия мазмунини юксалтириш, малакали кадрлар тайёрлаш, ўқитувчиларнинг педагогик салоҳиятини такомиллаштиришга қаратилган, босқичма-босқич олиб борилаётган ўзгаришлар самараси — ёшларимиз тимсолида яққол акс этиб турибди.

**Қадам ЖУМАНИЁЗОВ,**
**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректори.**

# Похолми ёки ёқилғи?

Ажабо!

Тиниб-тинчимаган олимлар нималарни ўйлаб топишмайди, дейсиз. Масалан, яқинда австриялик тадқиқотчилар ўсимликлар пояси ва похолдан автомобиль учун табиий ёқилғи олиш технологиясини ишлаб чиқишди.

Бунга қадар буғдой, картошка ҳамда лавлаги чиқиндиларидан худди шу турдаги ёқилғи олинарди. Ихтирочиларнинг айтишича, мазкур янги усул анча арзонлиги ва сифати билан аввалгиларидан афзалдир.


ASAKA BANK

«АСАКА»

давлат-акциядорлик тижорат банки

(очиқ акциядорлик жамияти)

SUBD ORAKLE 11g,

шунингдек,

Tuxedo ва Tuxedo Jolt

дастурий таъминотлари лицензияларини харид қилиш бўйича ҳамкорларни танлаш тендери натижаларини эълон қилади.

Тендер ғолиби — SIA «Tieto Latvia».

997А/15

● Реклама ва эълонлар ●

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, 2006 йил 6 мартдаги ЖСК-1-88/2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Мичурин дала ҳовличилар» ҳудудида жойлашган, бир қаватли, болохона (мансарда), айвон (терраса) ва ертўласи пишиқ ғиштдан қурилган айвон, шийпонча (беседка), бассейн, ёзги ошхонадан иборат 67-сонли дала ҳовли арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 185 614 832,50 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 4 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 2 июль куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак Йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.
Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001. 991А/1441

Сара уруғ — юқори ҳосил гарови

Испаниянинг FITO SEMILLAS компаниясининг Ўзбекистондаги вакили

ўз омборидан такрорий экин учун маккажўхори ва чим уруғларини таклиф қилади.

Уруғлар сертификатланган ва давлат реестрига киритилган.

Маълумот учун телефонлар: (+99893) 382-56-57, (+99897) 728-57-80.
Факс: (+99871) 257-58-61.

996А/710


## ОБ-ҲАВО

(16 июнь)

| Ҳудуд | Кечаси | Кундузи |
| --- | --- | --- |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +17 +22 | +34 +39 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +17 +22 | +34 +39 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +15 +20 | +32 +37 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +17 +22 | +34 +39 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +15 +20 | +30 +35 |
| Тошкент шаҳрида | +18 +20 | +34 +36 |


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 90 424 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-6788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Ҳидиров.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.20 Топширилди — 01.20 1 2 3 4 5